
Фаргона шахри Кувасой кучаси, 111 уй. “Хамкорбанк” АТБ Истикбол филиали
х/р 20 208 000 905 011 496 001 МФО 00965 ИНН 207 166 123 ОКОНХ 84400
Тел: (+99891) 657-99-63, (+99893) 270-13-50
e-mail: mangrouppaudit@gmail.com

Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

“Фаргонаёғмой” акциядорлик жамияти раҳбариятига (ИНН 200146438)

Мен (биз). Фаргона шахри Кувасой кучаси, 111 уйда жойлашган, электрон почта манзили mangrouppaudit@gmail.com, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2015 йил 28 августда берилган №00738-сонли барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви утказиш буйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2012 йил 18 декабрда 399-сон билан рўйхатга олинган, СТИР 207166123, банк ҳисоб рақами 20208000905011496001 “Хамкорбанк” АТБ Истикбол филиалида очилган, МФО 00965 масъулияти чекланган жамият шаклидаги “MAN GROUP AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори Салиев Илхомжон Адхамович (Аудитор малака сертификати №04420 19.09.2012 йилда берилган) томонидан хужалик юритувчи субъект “Фаргонаёғмой” акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботидан иборат 2017 йил 1 январидан 31 декабрига қадар ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан утказдик.

Хужалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хужалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Фаргонаёғмой” акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари буйича бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб қурсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хужалик юритувчи субъект “Фаргонаёғмой” акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жихатлари буйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хужалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофик келади.

МЧЖ “MAN GROUP AUDIT”
аудиторлик ташкилоти директори:



(Handwritten signature)
(Handwritten signature)

Салиев И.А.

Салиев И.А.

16 февраль 2018 йил



МЧЖ “MAN GROUP AUDIT”

**“ФАРГОНАЁГМОЙ” АЖ нинг
2017 йил молиявий-хужалик
фаолиятини аудиторлик
текширувидан утказиш юзасидан**

АУДИТОРЛИК ХИСБОТИ

2018 йил

(МАХФИЙ)

Узбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Қонуннинг 18 моддасига асосан Аудиторлик ҳисоботидаги ахборот **махфий** ҳисобланади ва ошқор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошқор қилганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

**«Фаргона ёғ-мой» акциядорлик
жамияти бошқаруви раиси
А. М. Мирзаахмедовга**

**«Фаргона ёғ-мой» акциядорлик жамиятининг
2017 йил молиявий-ҳужжалик фаолиятини аудиторлик
текширувидан утказиш юзасидан**

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ


Аудиторлик ташкилот номи ва юридик манзили	МЧЖ «MAN GROUP AUDIT» аудиторлик ташкилоти. Фаргона ш. Куvasой кучаси, 111 уй тел. (+99891) 657-99-63, (+99893) 270-13-50. E-mail: mangrouppaudit@gmail.com
Давлат руйхатидан утказилган гувоҳнома	Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан. Гувоҳнома реестри № 399 18.12.2012 йил.
Лицензия берган орган номи ва тартиб рақами	Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан. Лицензия АФ № 00738 28.08.2016 йил.
Аудиторлик текширув учун тузилган шартнома рақами ва тузилган санаси	Шартнома № 09/08 09.08.2017 йил
Аудит текширувини бошланиши ва тугалланиши	Бошланиши - 25.01.2018 йил Тугалланиши - 16.02.2018 йил
Аудиторлик ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми ва малака сертификати рақами	Аудитор – Салиев Илхомжон Адхамович Аудитор малака сертификати № 04420 19.09.2017 йил.
Аудит текшируви утказган аудиторнинг фамилияси, исми ва малака сертификати рақами	Аудитор – Салиев Илхомжон Адхамович Аудитор малака сертификати № 04420 19.09.2017 йил.

Аудиторлик текшируви Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Қонуни, «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонуни. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ва бошқа аудиторлик фаолиятини тартибга солиш меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида утказилди.

Утказилган аудиторлик текшируви натижалари, Уз.Р. МВ 2001 йил 14 февралдаги 20-сон буйруғи билан тасдиқланган, Уз.Р. АВ 2001 йил 10 мартдаги 1016-сон билан руйхатдан утган (АФМС № 70) «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тугрисидаги аудиторлик ҳулосаси» стандарти талабларига асосида ушбу ҳисоботга киритилди.

Ушбу текширишга тақдим қилинган бухгалтерия бирламчи ҳужжатлари ҳаққонийлиги ва тузилган молиявий ҳисоботлар тугрилигига жамият раҳбарияти жавобгардир. Аудиторлик ташкилот эса ушбу аудиторлик текшириш юзасидан берилган ҳулоса учун жавобгардир.

“MAN GROUP AUDIT”

Аудитор  Салиев И.А.

Жамиятнинг низомида белгиланган асосий мақсадлари давлат иқтисодий манфаатлари, аҳолининг маиший, ижтимоий-маданий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш ва акциядорлар ҳамда жамият меҳнат жамоасининг манфаатини қўллаб-қўллаш меҳнат қилиш йули билан фойда олишдан иборат бўлиб, узини-узи маблағ билан таъминлаш йули билан жамоа ва жамият акциядорларининг моддий ва ижтимоий талабларини қондиришга қаратилган.

Жамият уз Низомига асосан қуйидаги фаолият турлари билан шугулланади:

- Тозаланган усимлик ёғи, атир совун, 60 ҳамда 70 фоизли хужалик совуни, техник ва озукавий саломас, 94 ҳамда 98 фоизли глицерин, дистилланган соапсток ёғ кислотаси. пальмитин. суюлтирилган совун. хлопкок. косметин стеарин. гудрон. шелуха. кунжара ва бошқа ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- Уз фаолиятини нормал олиб бориш мақсадида бошқа туманлар. вилоятлар ҳамда республика ташқарисидан. жумладан чет эллардан хом-ашё, асбоб-ускуна ва техник воситалар олиб келиш;
- Жамият, ташкилот, муассаса, хужаликлардан, кичик ва қўшма жамиятлардан. фуқаролардан зарур бўлган хом-ашё, жиҳозлар, ишлаб чиқариш воситалари. транспорт, ускуна ва бошқа ҳар хил турдаги зарур маҳсулотлар ҳамда воситаларни сотиб олиш;
- Жамият аъзоларининг сармояси, техникавий ва бошқа ресурсларини жамлаш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватини ошириш;
- Ишлаб чиқаришда фан ва техника ютуқларини жорий этиш, хужалик юриштишининг усул ва шакллари такомиллаштириш;
- Сотиб олинган ёки олинган ер майдонларидан ёрдамчи хужалик, фермерлик ва ишлаб чиқариш цехларини ҳамда ваколатхоналарини ташкил этиш;
- Савдо ва тижорат фаолияти билан шугулланиш;
- Қимматли қўғозлар харид қилиш ва улар билан ишлаш;
- Ташқи иқтисодий фаолият билан шугулланиш ва хоказо.

2013 йил 29 июндан ҳозирги кунгача жамият бошқарув раиси вазифасида барча банк ва бухгалтерия ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига билан Мирзааҳмедов Аҳмаджон Мирзаевич бажариб келмоқда.

2016 йил 16 августдан шу кунга қадар Хикматов Ойбек Абдуракибович барча банк ва бухгалтерия ҳужжатларига иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан бажариб келмоқда.

II. АСОСИЙ ҚИСМ

II.1. Ҳисоб сиёсати аудити

Ҳисоб сиёсати - бу жамиятнинг ички ҳужжати бўлиб, амалдаги қонунчилик, солиқ қонунчилиги, Уз. Р МВ 1998 йил 26 июлдаги 17-17/86 буйруғи билан тасдиқланган, Уз. Р. АВ томонидан 1998 йил 14 августда 474-сон билан руйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС 1-сон) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот», ҳамда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари асосида ишлаб чиқилади.

Ушбу Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС) Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий асосда бошқариш

тизимининг унсури ҳисобланади. Ушбу стандарт бошка БХМСлар билан биргаликда қўлланилади.

БХМС хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради. Бу мақсадга эришиш учун мазкур стандартда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботига асос бўладиган концепциялар ҳамда молиявий ҳисоботнинг мазмунига энг кам микдордаги талаблар қўзда тутилган.

Мазкур стандарт молиявий ҳисоботдан ташқари такдим этилиши лозим бўлган ахборотларга талабларни баён қилмайди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботга қўшимча ахборот сифатида молиявий шарҳларни такдим этишлари мумкин.

Ушбу стандартда ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усулларнинг йигмаси тушунилади. молиявий ҳисобот шу усулларга мувофиқ ва уларнинг қоидалари ва асосларига мувофиқ равишда тузилади.

Бухгалтерия ҳисобини гуруҳларга ажратиш ва хўжалик фаолияти фактларига баҳо бериш, активлар қийматини тўлаш, ҳужжатлар айланмасини, мол-мулкни рўйхатга олишни, ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисобида ҳисоботларни қўлланиш усуллари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва ўзга тегишли усуллар, услубиятлар бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига қиради.

Ҳисоб сиёсати ҳар бир жамиятнинг узига ҳос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботларни тузиш усуллари ва қоидаларини ўз ичига олади.

Мазкур стандартга асосан, жамият ҳисоб сиёсатига, унинг узаги бўлган, қуйидаги асосий бўлимлар киритилиши мақсадга мувофиқ – актив ва пассивларнинг баҳолаш ва тан олиш тартиби, ишлаб чиқариш харажатларини тан олиш тартиби, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация ҳисоблаш усуллари, товар моддий захираларни баҳолаш усуллари, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари, келгуси давр харажатларини чиким қилиш усул ва тартиби, солиққа солиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳоказо.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ҳисоб сиёсати қонунларга мос бўлиши учун, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини тайёрлаш ва такдим этиш учун жавобгардир.

II.2. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими

Бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратни аудиторлик текширувнинг мақсади, аудиторлик ташкилотининг хўжалик юритувчи субъектда аудиторлик текшируви жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими бўйича амалларни аниқлаш ва баҳолашдан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолашда қўлланиладиган асосий талаблар Уз.Р. МВ 2006 йил 29 декабрдаги 108-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Уз.Р. АВ томонидан 2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан рўйхатга олинган (АФМС 12-сон) «Аудиторлик текширувлар жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» стандартида белгиланган.

Бухгалтерия хисоби тизими - хужалик юритувчи субъектнинг вазифалари ва ёзувларининг йигиндиси булиб, улар оркали молиявий хисоботда хужалик операциялари ва бошка воқеалар натижаларини идентификациялаш, туплаш, тахлил қилиш, хисоблаш, таснифлаш, умумлаштириш ва ақс эттириш мақсадида бухгалтерия хисобини юритиш усули сифатида хужалик операциялари натижаларини қайта ишлаш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида жамият раҳбари бухгалтерия хисоби ва хисоботини ташкил этишни амалга ошириши, жамиятда ички хисоб ва хисобот тизими ишлаб чиқилишини, хужалик операцияларини назорат қилиш тартибини, бухгалтерия хисоби тулик ва аниқ юритилишини, хисоб-китоб хужжатларининг сақланишини, ташқи фойдаланувчилар учун молия хисобот тайёрланишини, солиқ хисоботлари ва бошка молиявий хужжатлар тайёрланишини, хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашни шартлиги белгилаб қўйилган.

Аудиторлик текшируви даврида жамият томонидан тузилган молиявий хисоботлар, бухгалтерия хисоби бирламчи хужжатлари, бухгалтерия хисоби юритишда бухгалтерия принципларига амал қилинган ҳолда тузилганлиги ва бутлиги текширилди.

Жамиятда бухгалтерия хисобини юритилиши «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги қонун доирасида, ҳамда бухгалтерия хисоби миллий стандартларига амал қилган ҳолда юритилган.

Бухгалтерия хисоби «ІС-Бухгалтерия» компьютер дастурида юритилади. Хужжатлар расмийлаштирилиши ҳар ойда, бош китоб юритилган, ҳар чорақда солиқ ва бошка статистик хисоблар юритилиб, вақтида хисоботлар қундирилиб келинган.

Жамиятда барча аналитик ва синтетик ўчетлар бухгалтерия хисоби талаблари ва моддаларига тугри келади.

Аудиторлик текширувига тақдим этилган молиявий хисоботлар, бухгалтерия хисоби бирламчи хужжатлари, умуман жамиятда қўлланиладиган бухгалтерия тизими аудиторлик амаллари бажаришга, текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини ҳаққоний ақс эттиришга етарли даражада асос бўла олади.

Ички назорат тизими – хужалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий – хужалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва хисоб хужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларини аниқ ва туликлиги ва ўз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар йигиндисидан иборат.

Аудит даврида ички назорат тизимини тулик, муқаммал урганишни имқони бўлмайди. Юзақи кузатишда ўлар натижасида жамиятда ички назорат тизими тегишли назорат воситалари оркали қоникарли даражада амалга ошириладиганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилса бўлади. Бунга жамиятда активларни бутлигини таъминлаш, хом-ашё ва материаллар, тайёр маҳсулотлар сақлашда қўрилган чора тадбирлар асос бўлиши мумкин, ҳусусан:

- жамият ҳудуди жамият қўриқлаш ходимлари ва ички ишлар қўриқлаш бўлими томонидан қўриқланади;
- жамият ҳудудида бегона шахслар ҳаракати чекланган, ва рўхсатномалар оркали амалга оширилади;

- пул маблагларини саклаш учун мулжалланган махсус хона мавжуд, темир шкаф билан жихозланган, товуш чикариш мосламалари урнагилган;
- товар-молдий захиралар ва бошка активларни саклаш учун омборлар ва махсус жойлардан имкон даражасида фойдаланилади;
- барча активлар жавобгар шахслар зиммасига шартномалар асосида юклатилган;
- хужжатлар айланмаси ва сакланиши чора тадбирлари курилган;
- «ИС-Бухгалтерия» компьютер дастурининг дахлсизлиги таъминланган;
- бухгалтерия булимларга булинган ва бухгалтериянинг хар бир булими счетлар буйича алохида бухгалтерлар зиммасига юклатилган.

Хужалик юритувчи субъект билан танишув, ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратни тизимини урганиш натижалари асосида, аудит текшируви дастлабки боскичларида, ушбу аудиторлик текшируви режалаштирилди ва дастури тузилди.

Аудиторлик текширувини режаси ва дастури, Уз.Р. МВ томонидан 1999 йил 17 июлда 54-сонли буйруги билан тасдикланган, Уз.Р. АВ томонидан 1999 йил 10 ноябрда 837-сон билан руйхатга олинган (АФМС № 3) «Аудитни режалаштириш» стандартига мувофиқ ишлаб чиқилди.

II.3. Асосий воситалар аудити

Асосий воситалар аудитининг мақсади, асосий воситалар булими буйича молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ва ташкилотда асосий воситаларга нисбатан кулланиладиган операциялар ҳисоб методикасининг амал қилаётган норматив хужжатлар билан мослиги ҳақида тушунча ҳосил қилишдан иборатдир.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини меъёрий жихатдан тартибга солишда, 2003 йил 9 октябрда Уз.Р. МВнинг томонидан 114-сон билан тасдиқланган ва 2004 йил 20 январда Уз.Р. АВ томонидан 1299-сон билан руйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС 5-сон) «Асосий воситалар» асосий норматив хужжатдир.

Мазкур стандартнинг мақсади мулк, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқлари асосида хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган асосий воситалар ҳисоби услубиятини белгилаш ҳисобланади.

Асосий воситаларни ҳисобга олишда уларни актив сифатида тан олинган пайтини белгилаш, мазкур активларга нисбатан қўлланиладиган уларнинг баланс кийматини ва амортизацияни ҳисоблаш усуллари белгилаш, шунингдек асосий воситаларнинг баланс кийматидаги бошка ўзгаришларни ва уларнинг чиқиб кетиши ҳисобига молиявий натижаларни белгилаш ва ҳисобга олиш асосий қоидалар ҳисобланади.

2017 йил давомида асосий воситалар ҳаракати куйидагича: (минг сумда)

Курсаткичлар	Бино, иншоот ва узатувчи курилмалар	Машина ва жихозлар	Мебель ва офис жихозлар	Компьютер ва ҳисоблаш техникаси	Транспорт воситалар	Куп йиллик дарахтлар	Бошка асосий фондлар	Жами
Бошлангич киймати 01.01.2017 й.	29 076 453	8 477 556	73 561	124 886	793 744	1 586	543 363	39 091 149

Жамгарилган эскириш 01.01.2017 й.	6 180 013	4 836 799	70 760	93 178	773 222	264	304 785	12 259 022
Колдик киймати 01.01.2017 й.	22 896 440	3 640 757	2 801	31 708	20 522	1 322	238 578	26 832 127
Кайта баҳолаш - бошлангич киймат	2 282 182	866 569	2 307	-	62 064	141	42 159	3 255 422
Кайта баҳолаш – эскириш	512 638	501 264	2 161	-	59 500	24	24 970	1 100 557
Харид килиш	15 446	487 957	-	23 777	55 381	-	187 781	770 342
Сокит килиш	1 521	210	-	-	69 319	-	7 583	78 633
Хисобланган эскириш	1 717 549	1 370 914	1 403	13 764	10149	173	88 803	3 202 755
Эскиришни чикариш	1 521	168	-	-	69 319	-	5 095	76 103
Бошлангич киймати 01.01.2018 й.	31 372 559	9 831 873	75 867	148 663	841 870	1 727	765 720	43 038 280
Жамгарилган эскириш 01.01.2018 й.	8 408 679	6 708 810	74 323	106 942	773 552	461	413 463	16 486 230
Колдик киймати 01.01.2018 й.	22 950 498	3 123 063	1 544	41 721	68 318	1 267	352 257	26 538 669

Асосий воситаларга БХМА №5 талабларига мувофик ҳисоб карточкалари "1С-Бухгалтерия" дастурида юритилади. Белгиланган муддатларда йиллик кайта баҳолаш ва инвентаризация амалга оширилади.

II.4. Молиявий инвестициялар аудити


Молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисобини юритишда, 1998 йил 23 декабрда Уз.Р. МВ томонидан 65-сон буйруғи билан тасдиқланган ва 1999 йил 16 январда Уз.Р. АВ томонидан 596-сон билан руйхатга олинган (БХМС 12-сон) «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» миллий стандарти асосий норматив ҳужжатдир.

Жамият балансида 31.12.2017 йил ҳолатига 0600 сметида жами 767 411,0 минг сум инвестициялар мавжуд булиб. 0610 (қимматли коғозлар) сметида 48 973,5 минг сум ва 0620 (бошқа жамиятларга инвестициялар) сметида 718 437,5 минг сумни ташкил этади.

Жамиятнинг 0610 (қимматли коғозлар) смети буйича 31.12.2017 йил ҳолатига инвестиция таркиби қуйидагича:

минг сум.

"MAN GROUP AUDIT"

Аудитор  Сатиев И.А.

№	Ташкилот номи	Суммаси
1	“Фаргонаулгуржисавдо” МЧЖ	43 864.7
2	“Чуст ишлаб чиқариш савдо” АЖ	4 995.8
3	АТБ “Агробанк”(Пахтабанк”)	11.0
4	АТБ “Саноат қурилиш” (Афросиёб)	102.0
	Жами:	48 973.5

Жамиятнинг 0620 (бошка жамиятларга инвестициялар) счёти бўйича 31.12.2017 йил ҳолатига таъсис улуши сифатида киритган инвестициялари таркиби қуйидагича:

№	Ташкилот номи	Суммаси
1	“Мациони” фирмаси	660.0
2	“Фаргона омухта ем бирлашмаси” МЧЖ	15 000.0
3	Куштепа омухта ем бирлашмаси МЧЖ	15 882.5
4	Олтиарик омухта ем МЧЖ	15 865.8
5	Биолаборатория Усмонобод	107 191.2
6	«BODRO LUXE» ООО	43 770.0
7	Fargona Ozuqa Yem Taminoti МЧЖ	34 500.0
8	Yogmoy Fargona Eksport шубба корхонаси	470 000.0
	Жами:	702 869.5

Жамият томонидан киритилган молиявий инвестициялар бўйича 2016 йил якуни бўйича қуйидаги ташкилотлардан дивидендлар эълон қилинганлиги тугрисидаги йигилиш баёнлари олинган ва бухгалтерия томонидан тегишли бухгалтерия утқазмалари берилган:

№	Ташкилот номи	Олинадиган дивиденд (сум)
1	Yogmoy Fargona Eksport шубба корхонаси	1 284 039.00
2	Fargona Ozuqa Yem Taminoti МЧЖ	147 750 000.00
	Жами	148 284 039.00

“Фаргонаулгуржисавдо” МЧЖ 2017 йилда 15 935 243,00 сум дивиденд утқазилмоқда. Лекин жамият томонидан 2016 йил якуни бўйича дивидендлар эълон қилинганлиги тугрисида йигилиш баёни йук. “Водил омихта ем” МЧЖ бирлашмасига киритилган улуш жисмоний шахс Машарипов Толибжонга 27 640 000,0 сумга сотилган. Олди-сотди шартномалари ва далолатнома ҳужжатлари мавжуд.

Куйидаги ташкилотлардан бундай маълумотлар олинмаган ва ҳеч қанақа пул утказилмаган:

№	Ташкилот номи	Изоҳ
1	“Чуст ишлаб чиқариш савдо” АЖ	Давлат реестридан чиқарилган 02.11.2016 й. 327-қарори
2	АТБ “Агробанк”(Пахтабанк”)	Дивиденд эълон қилинганлиги тугрисида маълумот йук
3	АТБ “Саноат қурилиш”	
4	“Мациони” фирмаси	Дивиденд эълон қилинганлиги тугрисида маълумот йук
5	“Фаргона омухта ем бирлашмаси” МЧЖ	
6	Куштёпа омухта ем бирлашмаси МЧЖ	Давлат реестридан чиқарилган 20.03.2005 й. 433-реестр
7	Олтиарик омухта ем МЧЖ	Давлат реестридан чиқарилган 2016 й. ПК 630- қарор
8	Биолаборатория Усмонобод	Инвестиция тугрисида маълумот йук
9	«BODRO LUXE» ООО	Инвестиция тугрисида маълумот йук

Аудит текшируви даврида ҳеч қандай қушимча маълумот тақдим қилинмади.

Жамият раҳбариятига АТБ “Саноат қурилиш” (Афросиёб), “Мациони” фирмаси, “BODRO LUXE” ООО ташкилотлар буйича инвестициялар тугрисида етарли маълумот олиш, агар ушбу инвестиция қиритилган ташкилотлардаги инвестициялар дарғумон булган тақдирда, мазкур масалани жамият умумий йигилишида қуриб чиқиш ва жамият зарарига олиш тавсия қилинади.

II.5. Капитал қуйилмалар аудити

Жамият балансида 01.01.2017 йил ҳолатига 0800 Капитал қуйилмаларни ҳисобга олиш сётларида жами 974 500,4 минг сум капитал қуйилмалар қолдиги мавжуд.

2017 йилда 0810 “Тугалланмаган қурилиш” сётлари буйича жами 774 270,1 минг сумлик капитал қуйилмалар амалга оширилган ва 19 101,6 минг сумлик қуриб битказилган бинолар қирим қилинган. 01.01.2018 йил ҳолатига 0810 сётларида қолдик 1 729 636,4 минг сумни ташкил этади.

0820 “Асосий воситаларни харид қилиш” сётлари буйича жами 1 279 814,8 минг сумлик капитал қуйилмалар амалга оширилган ва 999 331,6 минг сумлик асосий воситалар қирим қилинган. 01.01.2018 йил ҳолатига 0820 сётларида қолдик 280 515,6 минг сумни ташкил этади.

II.6. Товар-моддий захиралар аудити

Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тартиби 2006 йил 15 июндаги Уз.Р. МВнинг 52-сонли буйруги билан тақдирланган ва 2006 йил 17 июлда Уз.Р. АВ

томонидан 1595-сон билан руйхатга олинган (БХМС 4-сон) «Товар-моддий захиралар» стандарти талабларига асосан тартибга солинади.

Жамиятда ҳисоб сиёсатида товар-моддий захираларни баҳолаш усуллари белгиланмаган.

Товар-моддий захиралар бирламчи ҳужжатлар ҳисоботи, молиявий ҳисоблар қолдиклари ва «1С-Бухгалтерия» компьютер дастурининг маълумотлари билан мос келади.

Товар-моддий захиралар моддий-жавобгар шахсларга бириктирилган ва улар билан моддий-жавобгарлик туғрисида шартномалар тузилган.

Жамият балансининг 01.01.2017 йил ҳолатига (1000) Хом-ашё ва материалларини ҳисобга олиш ҳисобларида жами **4 637 436,0** минг сум қолдик мавжуд.

Ҳисобот йилида жами **55 531 421,1** минг сумлик хом-ашё ва материаллар қирим қилиниб, жами **53 367 131,1** минг сум микдорида хом-ашё ва материаллар қиким қилинган.

Моддий жавобгар шахслар томонидан ойлик материал ҳисоботлар уз вақтида тузилади ва бухгалтерияга тақдим қилинган.

(БХМС 4-сон) «Товар-моддий захиралар» стандартининг 76 пунктида белгиланган, товар-моддий захираларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, уларнинг сотиш соф қийматини тасдиқлаш ва уларнинг бут сакланишини назорат қилиш мақсадида ташкилотлар томонидан вақти-вақти билан, лекин йилда камида бир маротаба товар-моддий захираларни инвентарлаш ўтказилади.

Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби туғрисидаги низом талаблари.

3-§. Давал хом ашёси билан боғлиқ операцияларнинг қайта ишловчида бухгалтерия ҳисоби

12. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ҳам ўзининг хом ашёсидан, ҳамда давал хом ашёсидан амалга оширилса, давал хом ашёси билан боғлиқ операцияларнинг алоҳида ҳисобини юритиш лозим. Қайта ишловчи давал хом ашёсининг аналитик ҳисобини ҳар бир буюртмачи бўйича алоҳида юритади.

13. Олинган давал хом ашёси баланسدан ташқари 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» ҳисобида давал хом ашёсини қайта ишлаш шартномасида кўзда тутилган нархи бўйича ҳисобга олинади.

14. Давал хом ашёси ҳаракатининг назоратини таъминлаш мақсадида «Давал хом ашёсини ҳисобга олиш ведомости»ни юритиш лозим. Давал хом ашёсини ҳисобга олиш ведомости қайта ишловчининг раҳбари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда вақолатланган шахслар томонидан имзоланади. Мазкур ведомостда давал хом ашёсининг микдор ва суммавий кўрсаткичларининг қамайиши туғрисидаги маълумот, унинг турлари бўйича тегишли каторида «минус» белгиси билан кўрсатилади.

15. Давал хом ашёсини қайта ишлаш бўйича бажарилган ишлар қиймати, технология ва ишлаб чиқаришни таъминлаш билан асосланган давал хом ашёсини қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ харажатларни ўз ичига олган ҳолда уларнинг ишлаб чиқариш таннари бўйича тан олинади.

16. Давал хом ашёсини қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларнинг ишлаб чиқариш таннарига қирувчи харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот

(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ аниқланади.

17. Қайта ишловчи томонидан амалга оширилган давал хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотни буюртмачигача етказиб бериш харажатлари давал хом ашёсини қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларнинг ишлаб чиқариш таннаригига қўшилмайди, балки давр харажатларига олиб борилади.

18. Давал хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишларни бажариш харажатлари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича юритилади:

а) давал хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишларни бажариш асосий фаолият тури ҳисобланадиган ташкилотларда - асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётларда (2000);

б) давал хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишларни бажариш ёрдамчи фаолият тури ҳисобланадиган ташкилотларда - ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётларда (2300);

в) давал хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишларни бажариш хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан амалга ошириладиган ташкилотларда - хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётларда (2700).

19. Агар давал хом ашёсини қайта ишлаш бўйича тузилган шартноманинг шартларига мувофиқ қайтариладиган чиқиндилар қайта ишловчида қолдирилса, унда улар келгусида фойдаланиш ва/ёки сотиш мумкин бўлган қиймати бўйича 1090 «Бошқа материаллар» счётининг дебитида асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9300) билан корреспонденцияланган ҳолда қирим қилинади.

20. Давал хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулот буюртмачига қайтариб берилганда, давал хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишларнинг ҳақиқатда бажарилганлигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура, ҳамда «Давал хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далолатномаси» ва «Давал хом ашёсининг ишлатилиши тўғрисида ҳисобот» ёзиб берилади.

21. «Давал хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далолатномаси» икки нусхада тузилади, буюртмачи ва қайта ишловчининг вакиллари томонидан имзоланади ҳамда иккала томоннинг муҳрлари билан (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади. Биринчи нусха буюртмачига берилади, иккинчиси эса қайта ишловчида қолади.

22. «Давал хом ашёсининг ишлатилиши тўғрисида ҳисобот» ҳам икки нусхада тузилади, қайта ишловчининг ваколатли шахси томонидан имзоланади. Биринчи нусха буюртмачига берилади, иккинчиси эса қайта ишловчида қолади.

23. Ҳисобварақ-фактуранинг шакли ва уни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) билан тасдиқланган.

24. Давал хом ашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ операциялар қайта ишловчининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) тузилган шартномага мувофиқ давал хом ашёсини олганда: дебет 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счёти - буюртмачидан олинган қиймати бўйича материаллар суммасига;

б) давал хом ашёсини қайта ишлаш шартномасида кўзда тутилган миқдордаги бўнақ тўловлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти:

в) давал хом ашёсини қайта ишлаш харажатларини акс эттириш:

дебет асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2000). ёки ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2300). ёки хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётлар (2700):

